

Самира Ражаб 80 ёшида Қуръон ўқишни ва ёзишни ўрганди



15:30 / 26.07.2021 1919

Мисрлик Самира Ражаб исмли қария аёл 80 ёшида Қуръон ўқишни ва ёзишни ўрганди. Бу ҳақда Ахбара Эль Йома манбаси хабар берди.

У Аввал Қуръонни ўрганиш истагини набиралари билан баҳам кўрганлиги ва ушбу мақсадга эришиш учун уни суюклилари ўқиш ва ёзишни ўрганишга даъват этганликларини айтади. Шу қарордан кейин у буни амалга оширди. Самира Ражаб 3 ойлик ўқиш давомида саводхонлик тестини муваффақиятли топширди.

Жорий йилда у биринчи мартаба муборак Рамазон ойида Қуръонни тиловат қилди.

Хуршид Маъруф тайёрлади